

УДК. 1.14.2.

*Олтмишева Н. Г., Фаргона политехника институти.*

*Олтмишева Н. Г., Ферганский политехнический институт..*

*Oltmisheva N. G., Fergana Polytechnic Institute, Fergana.*

**ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
АХЛОҚИЙ ОНГ МАСАЛАЛАРИ**

**Вопросы этического сознания в развитии социальной  
активности молодежи**

**Issues of ethical consciousness in the development of social activity of  
youth**

*Аннотация:* Ушбу мақолада мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни, уларнинг ахлоқий маданиятини, ахлоқий онг ва рухиятини шакллантиришга қаратилган маълумотлар берилган.

*Аннотация:* В статье представлена информация о роли национально-духовных ценностей в формировании социальной активности молодежи нашей страны, формировании их этической культуры, этического сознания и психики.

*Annotation:* The article provides information on the role of national and spiritual values in the formation of the social activity of young people in our country, the formation of their ethical culture, ethical consciousness and psyche.

*Калим сўзлар:* ёшлар, ахлоқий маданият, ахлоқий онг, ижтимоий фаоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, “оммавий маданият”.

*Ключевые слова:* молодежь, этическая культура, этическое сознание, общественная активность, национальные и общечеловеческие ценности, «массовая культура».

*Key words:* youth, ethical culture, ethical consciousness, social activity, national and universal values, "mass culture".

Давлатимиз тамонидан олиб борилаётган ишларнинг марказида ёшларга бўлган эътибор эканлигини эътироф этиш ўринлидир Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсон этиб вояга етказамиз.” деб айтган фикрлари ёшларимизга бўлган ишончни нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг келажаги ҳар тамонлама баркамол, салохиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай долзарб вазифани амалга оширишда кадриятларимизни ўрганиш ва ундан ёшларни ахлоқий маданиятини ва ахлоқий хулқини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохатлар айнан ана шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, меҳнат қилаётганлар маффаатини кузлашни ҳар бир эркин фуқоро тула англаб етмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ўзини кўлами ва аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеалардир. Бу жараёнларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ахлоқий онги ва хулқи жамиятимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилишни бошлаб беради. Ҳозирги кунда ҳар бир соҳага карамайлик ёшлардаги ижтимоий фаоллик уларнинг ахлоқий маданиятини қандай шаклланишида кўриниб бормоқда

Маълумки ҳар қандай жамиятни келажаги ёшлар. Шундай экан уларнинг ахлоқий онгини ривожлантириш қандай таълим олишига ва қандай тарзда ахлоқий маданиятини ривожлантиришга боғлиқ. Ижтимоий, иқтисодий ислохатларни амалга оширишда ўтмишни теран хис этиб, халқимизни рухиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф одатларини, бой тарихий давр давомида тўплаган инсоний фазилатларидан тўлиқ фойдаланиш керак. Жаҳон тафаккури ва амалиёти тўплаган энг яхши тажрибалардан унумли фойдаланиш зарур. Бу

тамойиллар жамиятимизнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилиши табиий.

Миллий ва умуминсоний қадриятлардан тарбиявий жараёнда фойдаланиш ахлоқий онги ва хулқини ривожлантириш бугунги кундаги энг муҳим талаби ёшларнинг дунёқарашида, уларнинг тафаккурлаш тарзида кундалик фаолиятида жиддий ўзгаришлар яшадан иборат. Бунда оилада ахлоқий тарбиянинг ролини кўрсатиш, унда ота боболаримиздан мерос бўлиб қолган ахлоқий фазилатларни эгаллашнинг нақадар аҳамиятга молик эканлигини миллий – назарий таҳлил этиш ҳам жуда муҳим деб биламан.

Ўзбек халқининг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, авлоддан – авлодга ўтиб, бойиб бораётган миллий-маънавий бойликлар, аجدодлардан қолган ахлоқий анъана, маросимлар, ахлоқий панд-насихатлар ва бошқалар киради. Шу маънода буюк мутаффакир Захриддин Мухаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб маънавий-ахлоқий сифатларни тасвирлайди. Булар иймон эътиқодлилиқ, андишалиқ, оилага муҳаббат, болажонлиқ, халоллиқ, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслиқ, фарзандларнинг ота-оналарига, ака- ука, опа- сингил, қариндош- уруғларига меҳрибонлиги, диний қадриятларга риоя қилиш, саводхонлиқ, саховатлилиқ, хушфёъллиқ, ширинсўзлиқ, мардлиқ, одиллиқ, хаёллиқ, сахийлиқ, меҳнатсеварлиқ ва бошқалардир. Герман Вамбери “Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи” асарида Олтин Ўрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганини, савдо сотиққа оғир вазминлигини, оқ кўнгиллилиқ ва самимийлигини, поклигини ва шу каби ота-онага ҳурмати ва эътиқоди кучлилигини биринчи бўлиб дастурхонга ўтирмаслиқ ва биринчи бўлиб сўзлашмаслиқини, муғомбирлиқни билмаслигини кўрсатган. Мутафаккирлар қомусий олимларимиз Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқа мутафаккирларни илмий мероси таълимий ахлоқий қарашларида

комил инсонни тарбиялаш концепцияси шакллантирилган. Шунингдек, ҳар бир шахсда ҳаётий мақсад турли кўринишда бўлади. У макон ва замонга боғлиқ ҳолда ўзгариб такомиллашиб бориши мумкин. Энг муҳими ҳаётий мақсаднинг даражаси инсоннинг ахлоқий онги ва ахлоқий ҳулқида ҳам намоён бўлади. Ички ва ташқи омиллар уйғунлиги ижобий фуқоровий ва шахсий мотивацияни шакллантиради, ёшлар ахлоқий онгини тарбиялаб ривожлантиради.

Бугун ёшларимиз ижтимоий сиёсий жараёнларни кузатиши ва фаол иштирок этиши, жамиятнинг асоси бўлган қонун устиворилигини билиши, унга итоат этиши, жамиятнинг асоси бўлган ҳудуддаги жамоат ташкилоти фаолиятлари ҳақида тушунчага эга бўлиши ва ихтиёрийлик асосида у ёки бу жамоат бирлашмалари таркибида иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Буни ёшларнинг маънавий қадриятини сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиши, ўзининг фаол фуқоролик позициясига эга бўлиши, мавжуд имконият ва шароитлардан тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида фойдалана олиши, ҳалол меҳнат, тadbиркорлик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда кўпчилик манфаатини устун қўя олиш ҳислатларига эга бўлиши зарур.

Буюк аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айни вақтда мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча ўзгариш ва янгиликлар, авваламбор инсон келажаги учун ҳизмат қилиш кўзда тутилган. Замонавий таълим-тарбия жараёнида миллий меъроснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини англади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг мақсади халқимизнинг турмуш фаровонлигига қаратилган. Бу ишларни бажаришда, албатта ёшларимиз кучига таянилади.

Мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш,

яхши қўшничилик ғоялари бўйича фаол ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш зарур.

Демак, маҳаллаларда қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга оид қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- мустақил тафаккур, юз бераётган ходисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ёшлар ахлоқий маданиятини ошириш, паст савияли “оммавий маданият”ни кириб келишига қарши курашиш;

- ёшлар тамонидан тарихий қадриятларни, авлодларимизнинг ижодий меъросини ўзлаштириш;

- ёшларни зарарли ва маданиятимизга, анъаналаримизга ва дунёқарашимизга ёт бўлган, интернет каналлари орқали келаётган материаллардан муҳофаза қилиш мақсадида интернет клублари фаолиятига талабларни ошириш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Умурзаков Ахмаджон Махаматович. Влияние различных факторов на процесс обучения студентов // Проблемы Науки. 2019. №12-2 (145). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-razlichnyh-faktorov-na-protsess-obucheniya-studentov>
2. Azimov Ulugbek Abdukhililovich, Nematjohnova Sadokat Karimovna Mechanisms of formation of axiological understanding of the youth in the civil society// Проблемы Науки. 2019. №12-2 (145). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mechanisms-of-formation-of-axiological-understanding-of-the-youth-in-the-civil-society> (дата обращения: 04.01.2021).
3. Ergashev U., Khakimov A. Environmental problems in the works of eastern thinkers // Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 30-32.
4. Oltmisheva N.G. FORMATION OF LABOR CULTURE IN YOUTH FACILITIES // Экономика и социум. – 2021. – №. 1. (80) ч. 2 – С. 289-290.